

Суғд воҳасининг минтақавий тузилиши: кўрғонлар ва қишлоқлар**Асланов Абдували Пулатович.**

Самарқанд археология институти. PhD. катта илмий ходим.

Марказий Суғднинг ўрта асрларга оид қишлоқлари ва рустоклари воҳанинг табиий-иқлимий шароити ҳамда Зарафшон дарёсининг ирригацион тизимида боғлиқ ҳолда шаклланиган. Марказий Суғди ташкил этган барча шаҳару қишлоқлар, рустоклар ва йўллар биргаликда Самарқанд воҳасининг ривожланган ўрта асрлар давридаги табиий, ижтимоий ва иқтисодий қиёфасини тўлиқ намоён қилган.

Араб-форс географларидан Ибн Ҳавқал, ал-Истахрий, Сам’оний ва Якут ал-Ҳамавий асарларида Самарқанд воҳасининг X–XII асрлардаги қишлоқ-рустоклари муфассал қайд этилган. Улар орасида Зарафшон дарёсининг жанубида Бунжикет, Варағсар, Маймурғ, Санжарфағн, Дарғом, Абгор каби рустоклар, шимолида эса Ёркат, Бурнамад, Бузмажон, Кабуданжакат, Видор ва Марзбон ибн Тургаш каби қишлоқ-маъмурий бирликлар тилга олинган.

Ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқал маълумотларига кўра, ривожланган ўрта асрларда Самарқанд ҳудудида 4 шаҳар ва 12 катта русток мавжуд бўлиб, улар орасида Иштихон, Кушония, Добусия ва Рабинжон алоҳида ажралиб турган. Рустоклар таркибига кирувчи катта-кичик қишлоқлар сафига Бунжикент, Варақсар, Шовдор, Маймурғ, Санжарфағн, Абгор, Ёркат, Бурнаманд, Бузможан, Кабуджакент, Видар ва Марзбан каби манзилгоҳлар кирар эди.

Рустокларнинг шаклланишида ирригация ҳал қилувчи омил бўлган. Варағсар, Маймурғ, Санжарфағн ва Дарғом каби рустоклар Варахсар тўғонидан чиқарилган Дарғом канали орқали суғорилгани маълум.

Зарафшон дарёси Марказий Суғд рустокларининг асосий чегара чизиғини белгилаган. Дарғом, Булунғур, Нарпай каби йирик каналлар эса айрим рустоклар орасида табиий маъмурий-иқтисодий чегара вазифасини ўтаган.

IX–XIII асрлардаги Суғд қишлоқлари тарихи, уларнинг локализацияси, хўжалик тизими ва иқтисодий–ижтимоий мавқеига оид маълумотлар Марказий Суғд (Самарқанд вилояти)нинг ўрта аср цивилизациясидаги ўрнини қайта баҳолаш имконини беради. Археологик материаллар, араб–форс географик манбалари, этнографик кузатувлар ва замонавий тадқиқотлар комплекси шу давр қишлоқларининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини кенг тарихий контекстда ёритишга имкон беради. Қишлоқ жойлашув тизимини ташкил этган омиллар орасида ирригация тармоқларининг ривожланганлиги, деҳқончилик маданиятининг юксак даражаси, маҳаллий ҳунармандчиликнинг барқарор фаолият кўрсатиши, ички бошқарув тизимининг шакллари ва қишлоқларнинг шаҳар марказлари билан иқтисодий алоқалари алоҳида аҳамият касб этади.

Зарафшон водийсида жойлашган Суғд қишлоқлари табиий–географик жиҳатдан юқори ҳосилдорликка эга ҳудудларни камраб олган бўлиб, ирригация инфратузилмасининг тараққиёт даражаси қишлоқ хўжалиги, боғдорчилик ва чорвачиликнинг асосий иқтисодий база сифатида қарор топишини таъминлаган. Манбаларда ирригация тармоқларининг миқёси, анҳорлар, ариқлар ва ҳовузлар орқали сув тақсимо­тининг самарали йўлга қўйилгани таъкидланади (Истахрий, 2019, 134–135).

Араб географлари берган тасвирларда водий бўйлаб сўл ва ўнг томондан узун масофага чўзилган боғлар, суғорма ерлар ва ирригация иншоотлари қишлоқ тармоғининг юқори зичлиги ва функционал бирлигини акс эттиради (Ибн Хавқал, 2011, 28). Бу ҳолат Суғд қишлоқларининг иқтисодий ҳаётидаги мураккаб ва ўзаро боғлиқ тизимнинг мавжудлигини кўрсатади.

Шунингдек, қишлоқлар фақат озиқ-овқат ишлаб чиқаришни таъминловчи база эмас, балки минтақанинг асосий савдо йўллари учун муҳим логистика марказлари вазифасини ҳам бажарган. Қишлоқлар оралиқ нуқталар сифатида карвон ҳаракатининг узлуксизлигини таъминлаб, шаҳар тизимлари ва қишлоқ хўжалиги ҳудудлари ўртасида иқтисодий айланмасини кучайтирган.

Араб–форс манбаларидаги “қария” ва “мадина” тушунчаларини таҳлил қилиш орқали қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги функционал фарқни аниқ тавсифлайди. Қишлоқлар кам аҳолига эга, асосан деҳқончиликка ихтисослашган, ҳунармандчиликнинг маҳаллий шакллари ривожланган аҳоли пункти бўлган; шаҳарлар эса маъмурий марказлар, бозорлар, масжидлар ва мустаҳкам муҳофаа иншоотлари билан ажралиб турган. Манбаларда қайд этилишича, баъзи йирик қишлоқлар аҳоли сони жиҳатдан ҳатто айрим шаҳарлар билан тенглашган (Ибн Хавқал, 2011, 61).

Суғд қишлоқларининг локализацияси IX–XIII асрлар тарихини тадқиқ этишда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Географик масофалар, йўл тавсифлари ва топонимикага оид маълумотларни ўз ичига олган Самъоний, ан-Насафий, Ёкут ал-Ҳамавий каби муаллифларнинг маълумотларини ҳозирги географик шароит билан қиёсий ўрганиш натижасида бир қатор тарихий қишлоқларни аниқ жойлаштириш имкони пайдо бўлади. Манбаларда келтирилган топонимлар ва масофа кўрсаткичлари Зарафшон водийсидаги ҳозирги географик манзара билан мувофиқлаштирилганда, бир нечта аҳоли пунктларининг локализацияси аниқлаштирилган. Бу услубий ёндашув тарихий манбаларнинг маълумотларини текшириш ва верификация қилиш имконини таъминлайди.

Шундай қиёсий таҳлил асосида Бикас қишлоғи ҳозирги Иштихон атрофида, Ғурминова –Ургут ҳудудида, Даҳнава –Оқдарё минтақасида, Нўва –Пайариқда, Катвон –Каттақўрғон яқинида, Соғарж эса Иштихон атрофида жойлашган деган хулосалар манба маълумотлари билан уйғун келади. Топонимик

маълумотларнинг ҳозирги ҳудудий тартиб билан мос келиши мазкур локализацияларнинг илмий асосланганлигини кўрсатади.

Зарафшон водийсининг ўрта оқимида илк ўрта асрларда 100 дан ортиқ қишлоқ мавжуд бўлгани ҳақидаги маълумотларни В.В. Бартольд (1963, 173–187) фикрлари билан боғлаб, қишлоқ тармоғининг улкан миқёсда ривожланганини таъкидлайди. Қадимги ирригация иншоотлари бўлган Дарғом, Фай, Караунус ариқлари ва бошқа каналлар деҳқончиликнинг асосий пойдевори сифатида ривожланишда ҳал қилувчи омил бўлган.

Мақолада қишлоқларнинг иқтисодий ролига алоҳида эътибор қаратилиб, Самарқанд, Иштихон, Бунжикас, Кабунжакент, Кушония каби марказлар ҳунармандчиликнинг йирик марказлари бўлгани, уларнинг хом ашё базаси эса айнан қишлоқлар томонидан таъминлангани таъкидланади. Кулолчилик, тўқимачилик, қоғоз ишлаб чиқариш, кўнчилик, темирчилик ва озиқ-овқат ишлаб чиқаришда қишлоқлар ҳал қилувчи аҳамият касб этган (Беленицкий и друг., 1973, 286).

Сомонийлар ва Қорахонийлар даврида қишлоқ хўжалиги ўсиши, суғориш тизимларининг кенгайиши, янги экин турларининг жорий қилиниши ва икки марта ҳосил олиш амалиёти қишлоқларнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтирган (Shatzmiller, 2011, 132–184). Қишлоқлар шаҳарлар бозорлари билан узвий боғланган бўлиб, пахта, жун, дон, тери, гил каби маҳсулотлар қишлоқ–шаҳар хўжалик занжирининг барқарор ишлашини таъминлаган.

Қишлоқларнинг маданий ва диний таркиби ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар келтиради: ислом асосий дин бўлганига қарамай, зардуштлиқ ва насронийликнинг қолдиқ шакллари қатор қишлоқларда сақланган (Бартольд, 1963, 145). Қабристонлар, ибодатхоналар, уй-иншоотлар археологияси бу хилма-хилликни тасдиқлайди.

Кўшқлар (йирик зодагон резиденциялари) қишлоқларнинг сиёсий-ижтимоий тузилмасида муҳим ўрин тутгани, уларнинг ярим ҳарбий, ярим маъмурий вазифаларни бажаргани ҳақидаги фикрлар замонавий тадқиқотлар билан асосланади (Piekarz, 2019, 493–508).

Қишлоқларнинг кўчманчилар билан иқтисодий-маданий алоқаларини қаттиқ ёритади: чорва, тери, жун, сут маҳсулотлари қишлоқ ва шаҳар бозорлари орқали алмашилган; йиллик ярмаркалар, мавсумий савдо нуқталари ва транзит йўллар қишлоқларни минтақавий савдо тизимининг ажралмас қисмига айлантирган (Liu, 2015, 211–229).

Замонавий археология маълумотлари асосида муаллиф номадизм ҳақидаги эски стереотипларни рад этади. Марказий Осиё аҳолиси бир вақтнинг ўзида деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликни уйғунлаштирган аралаш иқтисодий моделдан фойдалангани таъкидланади (Frachetti et al., 2024, 1118–1124; Spengler et al., 2021, 675–706).

Айрим ҳолларда рустоқ марказлари йирик қишлоқлар бўлган, чунки ўрта аср муаррихлари баъзи шаҳарларни "қишлоқ" деб атаган. Шунинг учун қишлоқлар кўп ҳолларда маъмурий маркази рустоқнинг асосий пункти вазифасини ҳам бажарган.

Барча қишлоқлар ва рустоқлар ўзаро мураккаб йўллар тизими билан боғланган. Буюк Ипак йўлининг Самарқанддан Бухорога, Насаф ва Кешга олиб ўтувчи тармоқлари айнан шу рустоқлар орқали ўтган.

Марказий Суғд қишлоқлари:

Зарафшон ирригация тизимида боғлиқ равишда шаклланган;

катта рустоқларнинг маъмурий марказлари сифатида фаолият юритган;

ёзма манбаларда жуда кўп қайд этилган рустоқ марказлари, жумладан: Бунжикет, Варағсар, Маймурғ, Санжарфағн, Абғор, Ёркат, Бузмажон, Кабуджакент, Видар, Марзбан;

Дарғом, Булунғур, Нарпай каби каналлар билан боғланган табиий-аграр система асосида ривожланган;

Буюк Ипак йўли тармоқлари ўтган стратегик жойларда жойлашган.

АДАБИЁТЛАР

1. Frchetti MD, Berner J, Liu X, Henry ER, Maksudov F, Ju T. Large-scale medieval urbanism traced by UAV-lidar in highland Central Asia // *Nature*. 2024 Oct;634(8036):1118-1124. doi: 10.1038/s41586-024-08086-5. Epub 2024 Oct 23. PMID: 39443807.
2. Liu X. Nomads and Oasis Cities: Central Asia from the 9th to the 13th Century // *The Wiley Blackwell History of the World*. – Hoboken: Wiley Blackwell, 2015. – P. 211–229.
3. Piekarz P. Central Asian köshks from the Islamic period before the Mongol conquest: fortified, semi-fortified or unfortified? // *Polish Archaeology in the Mediterranean*. – 2019. – Vol. 28/2. – P. 493–508.
4. Shatzmiller M. Economic Performance and Economic Growth in the Early Islamic World // *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. – 2011. – Vol. 54, No. 2. – P. 132–184. – DOI: 10.1163/156852011X586831.
5. Shatzmiller M. Economic Performance and Economic Growth in the Early Islamic World // *Journal of the Economic and Social History of the Orient*. – 2011. – Vol. 54, No. 2. – P. 132–184. – DOI: 10.1163/156852011X586831.
6. Spengler R.N. III, Frchetti M.D., Makarewicz C.A., Bullion E., Hermes T.R. An Imagined Past? Nomadic Narratives in Central Asian Archaeology // *Current Anthropology*. – 2021. – Vol. 62, No. 6. – P. 675–706. – DOI: 10.1086/717749.

7. Spengler R.N. III, Frachetti M.D., Makarewicz C.A., Bullion E., Hermes T.R. An Imagined Past? Nomadic Narratives in Central Asian Archaeology // Current Anthropology. – 2021. – Vol. 62, No. 6. – P. 675–706. – DOI: 10.1086/717749.
8. Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия // Сочинения, том I. М., 1963. 783 с.
9. Беленицкий А. М., Большаков О. Г., Бентович И. Б. Культура Средней Азии в VIII — начале XIII века. М.: Наука, Главная редакция восточной литературы, 1973. 344 с.
10. Ибн Ҳавқал. Сурат ал-ард. Ернинг сурати / Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2011. Б. 399